

## Ҳадис дарслари (211-дарс) Ёққа тушган сичқон ҳақида



19:00 / 28.12.2022 4305

أَهْنَعُ هَلَلَايُضَرَّةَ نُومِي مَنَعُ  
هَيْلَعُ هَلَلَايُصَّيْبُنَا نَأُ  
ةَرَأْفُ نَعَلِي سَمَلَسَو  
لَأَقَفِ نَمَسِي فَتَطَقَس

أُولُكُ وَأَهْلُ وَحِ أُمُّ وَأَهْوُقُلَا  
إِذَا: عِيَاورِي فَو. مُكَنْ مَس  
نَمَّسْ لِي فِي عُرْفَلَا تَعَقَو  
أَمُّ وَأَهْوُقُلَا فِيمَا جَنَّاكَ نِيْف  
أَلْفَ أَعِيَّامَ نَّاكَ نِيَاوَأَهْلُ وَحِ  
أَلِيَّةً سَمَّخَلَا هَاوَر. هُوْبَرْقَات  
أَمْلُسُ

Маймуна розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ёққа тушган сичқон ҳақида сўралди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
«Уни ва атрофидаги (ёғ)ни олиб ташланг-да, ёғингизни еяверинг», дедилар».**

*Бошқа бир ривоятда:*

**«Сичқон ёққа тушиб қолса, агар у қотган бўлса, у(сичқон)ни ва атрофидаги (ёғ)ни олиб ташланг. Агар у суюқ бўлса, бас, унга яқинлашманг», дедилар».**

*Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.*

Мўминларнинг онаси Маймуна бинти Ҳорис ибн Ҳазн ал-Ҳилолия.

Бу фозила аёл жоҳилият даврида Масъуд ибн Амр ибн Умайр Сақафий

билан турмуш қурган эдилар. Сўнг у кишидан ажрашиб кетдилар ва Абу Рухм ибн Абдулизда ибн Абу Қайсга турмушга чиқдилар. Кўп ўтмай, Абу Рухм вафот этиб, ҳазрати Маймуна бева қолдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккани фатҳ қилганларидан Маймуна ниҳоятда хурсанд эдилар. Бир куни опалари Умму Фазлга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган чексиз муҳаббатлари ҳақида сўзладилар. Улар Хадича онамиздан сўнг Исломни қабул қилган аёллар эдилар. Умму Фазл Аббосга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бориб, «Маймуна сизга қўлини беряпти», деб айтинг», дедилар. Аббос бундай совчилик қилишга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тортиниб, ўзлари бормай, акаларининг ўғлини юбордилар. Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маймуна онамизга тўрт юз (беш юз, деганлар ҳам бор) дирҳам маҳр бериб, уйландилар. Бу иш еттинчи ҳижрий санада содир бўлди.

Маймуна онамиз Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охириги уйланган аёллари эдилар.

Ибн Шихоб айтадилар: «Маймуна онамиз ўзларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳиба қилган эдилар. Шунингдек, Қатода ҳам «Аллоҳ таоло Маймуна ҳақида «Мўмина аёл ўзини Пайғамбарга ҳиба қилди» деган ояти каримани нозил қилди», дейдилар.

Ҳазрати Маймуна Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан 76та ҳадиси шариф ривоят қилдилар. Шулардан биттасига Имом Бухорий ва бештасига Имом Муслим яқка ҳолда, еттитасига биргаликда иттифоқ қилишди. Маймуна онамиздан опа-сингилларининг ўғиллари: Абдуллоҳ ибн Аббос, Язийд ибн Мадад ибн ал-Ҳад, Абдурраҳмон ибн ас-Саиб ал-Халамий, Язийд ибн ал-Асом ва Убайдуллоҳ ал-Жавланий, Сулаймон ибн Ясар, Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Маъбад, Кариб Мавлии ибн Аббос, Убайда ибн ас-Сибоқ ва Олия бинти Собий ва бошқалар ривоят қилганлар.

Маймуна онамизнинг вафот этган йиллари тўғрисида ихтилоф бор. Ибн Саъд ва ал-Ҳакимнинг айтишларига қараганда, у киши вафот этганларида ёшлари саксон бирда эди.

Бу ҳадиси шарифдан олинадиган ҳукм ҳадиснинг ўзида очиқ-ойдин

айтилмоқда:

1. Агар сичқон қаттиқ ёққа тушса, сичқоннинг ўзи ва ёғдан у теккан жой атрофи билан олиб ташланади. Қолган ёғни еса бўлаверади.

2. Агар сичқон суюқ ёққа тушса, ҳаммасини ҳаром қилади. У ёғни ейиш учун яқин ҳам келиб бўлмайди. Сичқонга бошқа унга ўхшаш ҳайвонлар ҳам қиёс қилинади. Шунингдек, ёққа бошқа унга ўхшаш асал, сув каби нарсалар ҳам қиёс қилинади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди**